Капитал таъмирдан ўтган ТНВД ва пурқагичларнинг айрбошлиш фондига мунтазам мавжуддир.
Таъмир фондини топшириш шарт.

Бизнинг манзил:
Тошкент ш., Бектемир тумани, Ж. Остонов кўчаси, 40.
Тел.: (3712) 92-04-07, 90-26-71.
Тел./факс: (3712) 90-69-80.

"ЎЗТАДБИРКОРБАНК"НИНГ

1996 йил бўйича даромадлари ва харажатлари ҳисоботи

Банкнинг рўйхатдан ўтказилган

сони 37, 28.04.93 йилдан.

Манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 52.

Даромадлар	млн. сўм
1. Берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар	431,1
2. Қимматбаҳо қофозлар билин амалиётлар бўйича фоизли даромадлар	11,0
3. Бошқа фоизли даромадлар	12,0
4. Фоизли даромадлар	307,0
Даромадларнинг жами	761,1
Харажатлар	млн. сўм
1. Ссудалар бўйича фоизли харажатлар	156,5
2. Депозитлар бўйича фоизли харажатлар	40,0
3. Қимматбаҳо қофозлар билин амалиётлар бўйича харажатлар	0,6
4. Бошқа харажатлар	289,6
Харажатларнинг жами	486,7
Фойда/зарар	274,4

Фойда ва харажатлар тўғрисидаги мазкур ҳисобот аудиторлик фирмаси томонидан аниқланган. Фирма номи АЖ "Ўзбанкаудит".

Лицензия № 01001/72-сонли 1997 йил 28 январдан.

Кейинги пайтда Наманган шаҳри кӯчаларида йўловчиларга пулли хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари кескин кўпайди. Эндиликда турли йўналишлар бўйлаб автобус ва таксиilar катори шахсий машиналар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, тармокда рақобат пайдо бўлди. Рақобат эса бозор иктисодиёти қонунидир. Мухими, бундан ахоли манбаатдор. Биринчидан, йўлкира ҳақлари пасайган бўлса, иккинчидан, кўчага чиккан йўловчи энди транспорт кутиб қолмайди.

Бу -- масаланинг бир томони. Лекин унинг иккинчи томони ҳам бор. Шаҳар кӯчаларида гизиллаб қатнаётган шахсий транспорт воситаларнинг ҳаммаси ҳам техник жиҳатдан созми? Шахсий транспорт эгаларининг хизматидан кўнгил тўладими?

«САЙЁР» КИРАКАШЛАР

Текшириш давомида маълум бўлди, шахсий транспорт эгалари кўп ҳолларда давлат томонидан белгиланган тартиб-қоидадарни четлаб ўтишмоқда. Уларнинг айримлари ўзларига тегишли бўлмаган транспорт воситаларидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз, шахсий бойлик ортириши мақсадида фойдаланишашти. Ачинарлиси, «киракашлик»

ишлаб чиқарилган Н 49-02 НА давлат рақамли кичик автобусда олиб кетаётган Н. Жаҳонгиров ҳам тегишли ҳужжатларни кўрсатиш ўрнига ер чизиб туришдан нарига ўтолмади. Чунки бу «учар» ҳайдовчиларни қандай қилиб бўлмасин, пул топиш йўлига ўтиб олишган. Иш жойлари тайин эмас. Носоз автомобилларга чиқаётган йўловчиларнинг тақдирни эса уларни асло кизиқтирамайди.

Шаҳарда уч-тўртта катта-кичик

ни сўраганимизда, «Йўлда милиционерлар тўхтатавермаслиги учун», деб жавоб берди.

-- Қалбаки ҳужжат билан тўхтатишмайдими?

-- Йўқ. Кўради-ю, ўтказиб юборавади.

Бу борада сұхбатдошимизнинг анча-мунча «тажрибаси» борлиги кўриниб туради. Лойиҳалаш инсититути мутасадилари эса ўз тасаруфларида машинанинг қаерда юрганлиги билан ишлари йўқ.

жорий ремонт қилиш учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Шу сабабли аҳолига пулли хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Бирлашма раҳбариятининг бепарволиги оқибатида автобуслар фақат ўз шахсий манбаатини ўйлайдиган, кўли эгри шахслар қўлига топшириб кўйилган.

Шаҳардаги «Соҳил» шоҳбекатидан Учкўргон, Наманган, Чорток, Янгиқўргон туманларига ҳар куни 65 та автобус ўрнига, 50 тагина қатнайди.

-- Касса режаларини ошириб бажарайпмиз, -- дейди шоҳбекат бошлиги И. Абдуллаев. -- Масалан, ўтган ойда режадаги бир миллион 261 минг сўмни 351 минг сўмга ошириб бажардик. Бу шоҳбекат кассалари орқали йўловчиларга сотилган чипталарнинг пули, холос. Автобус ҳайдовчиларининг ўзлари ҳам йўл-йўлакай чиқсан кишиларга чипта сотиб, пулини кассага топширишлари шарт.

-- Улар учун ҳам маълум бир меъёр борми?

-- Бу ўринда ҳайдовчиларнинг ўзларига инсоф берсин, дейищдан бошқа иложимиз йўқ.

Худди шу пайт пешонасига «Чорток -- Наманган» деб ёзилган 43-89 давлат рақамли автобус ёнимизга келиб тўхтади. Автобусдагиларнинг ярмидан кўпи, яъни 16 нафари чиптасиз эди. Текширишда бошқа нуқсонлар ҳам аниқланди.

-- Ушбу автобус «Чорток -- Наманган» оралиги бўйлаб бир кунда 6 марта қатнайди, -- дейди шоҳбекат нозими (диспетчери) Иброҳим Набиев. -- Ҳайдовчи У. Боймирзаев баъзи кунлари 100 сўмлик, баъзида эса 20-30 сўмлик чипта сотади. Ўтган шанба куни бор-йўғи 20 сўм топшириган. Мана, дафтарга ёзуб қўйганмиз. Ҳолбукни, дам олиш кунлари йўловчилар тирбанд бўлади. Бу автобус бир кунда 8100 сўмлик пулли хизмат кўрсатиши керак. Лекин режа бирор марта ҳам 50 фойздан ошгани йўқ.

Бу ерда кўрган ва эшитганларимиздан ёқа ушлаб, юлгич ҳайдовчининг «маҳоратига» ва унга бу шароитни яратиб берганларга «қойил» қўлдик. Кунига юзлаб одамлар автобусга чиқиб тушишсаю, кассага 20 сўм (?) пул топширилса... Буни қандай тушуниш керак?

«Чуст -- Наманган», «Жамшуй -- Наманган» йўналишлари бўйлаб қатновчи «ЛАЗ» русумли 44-43 НАА ва 84-92 НАД давлат рақамли автобуслар, «Уйчи -- Наманган», «Учкўргон -- Наманган» йўналишлари бўйлаб ҳаракатланадиган автобусларда ҳам шундай ҳолатни кузатдик.

**КАССАГА ЭМАС,
КИССАГА...МИ?**

Шу куни биз «Намангантранс» бирлашмаси автокорхоналарида аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатишнинг аҳволи билан ҳам қизиқдик. Ҳозир ушбу корхоналарнинг иктисодий аҳволи оғир. Транспорт воситаларинынг кўпчилиги ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган. Уларни таъмиглаш, қозониб кутишни керак.

Шаҳарнинг «Фишткўпrik» мавзесидаги шоҳбекат шундай манзарага дуч келдик. Йўл четида 3-4 «сайёр» автобус туриди. Ичидаги 15 чоғли одам бўлган КВЗ-685 русумли, 84-26 НАА давлат рақамли автобусга чиқдик. Ҳайдовчи «Була қолинглар, ҳозир жўнаймиз», деб бизга ҳам ўтиришга жой кўрсатди.



«Халқ сўзи» газетаси, Наманган вилоят давлат солик бошқармаси ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси кўшма рейди

шоҳбекатлар мавжуд. Бу жойлардан вилоятнинг барча туманларига автобуслар қатнайди. Кейинги пайтда шоҳбекатлар ён-атрофларида норасмий бекатлар пайдо бўлди. Турнақатор бўлиб турган автобуслар, кичик автобус ва енгил машиналарнинг эгалари ҳамиша жонсарак. Манзилга арzonроқ обориб қўйишини айтиб, тинмай мижоз чорлашади: «Қани, кеп қолинг! Ҳа, қани!»

Шаҳарнинг «Фишткўпrik» мавзесидаги шоҳбекат шундай манзарага дуч келдик. Йўл четида 3-4 «сайёр» автобус туриди. Ичидаги 15 чоғли одам бўлган КВЗ-685 русумли, 84-26 НАА давлат рақамли автобусга чиқдик. Ҳайдовчи «Була қолинглар, ҳозир жўнаймиз», деб бизга ҳам ўтиришга жой кўрсатди.

-- Автобус қаерга боради? -- сўраймиз ундан.

-- Қораполвонга (Қораполвон қишлоғига демоқчи).

-- Кира ҳаки қанча?

-- Ўтаверинг, aka, давлатникидан анча арzon!

Биз ундан бироз сабр қилиб, ҳужжатларни кўрсатишини сўрадик. Маълум бўлишича, автобус лойиҳалаш институтига қарашли бўлиб, 503-курилиш ташкилоти ишчиларига хизмат кўрсатиши керак экан. Йўл варақасига «шаҳар йўналиши бўйлаб», деб аниқ ёзуб қўйилган. Автобус айни шу пайтда қурилиш иншоотида бўлиши лозим эди. Буни қарангки, ҳайдовчи Абдулла Сулаймоновнинг кўнгли Янгиқўргон туманининг Кораполвон қишлоғига боришини «тусаб» қолибди. Устига-устак, йўл варақаси остига «Наманган -- Кораполвон -- Наманган» жумларини киритиб, ҳужжатни қалбакилаштирганига нима дейсиз? Биз А. Сулаймоновдан бунинг сабаби-

МУХБИР ШАРХИ:

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, вилоятда аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатиши борасида талай тартибсизликлар мавжуд. Аввало, ўргинча фоалият юритаётган «сайёр» киракашлар бемаза қовуниш уруғидай кўпайиб кетмоқда. Улар ўзларидан ҳеч қандай масъулият сезишмаяпти.

Албатта, муайян бир корхона ёки ташкилот томонидан қонуний пулли хизматга жалб этилган ёки давлат солик бошқармасида рўйхатга олинган транспорт воситаларига ҳеч қандай эътироозимиз йўқ. Улар қанча кўпайса, шунча яхши. Қолаверса кейинги пайтларда шаҳар кўчаларида «ЎзДЭУавто кўшима корхонасида ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли автомашиналар қатнаб, одамлар узғини яқин қилимоқда. Шаҳар ҳокимлиги давлат солик инспекцияси ва ДАН бўлими ходимлари билан ҳамкорликда транспорт воситалари фоалиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳаракат ўйналишини аниқ белгилаш масаласини ҳал этса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шунда шаҳарнинг барча мавзалида аҳолига бир меъёрда пулли транспорт хизмати кўрсатиши имконияти туғилади.

Вилоятда нақд пул тушумини кўпайтириш, пул эмиссияси барқарорлигига эришиш ҳамон доззарб муваммолардан бирни бўлиб қолмоқда. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиши таомиллаштириши бу борада алоҳиди аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бахтиёр ДЕҲҚОНОВ, вилоят давлат солик бошқармаси катта назоратчи. Нурмамат НАСРИДДИНОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН бўлими тартибот бўлинмаси бошлиги, милиция подполковниги. Абдуҳошим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Халқ
сўзи**



26
апрель

ХУКУШУНОС

БУРЧАГИ

ҲОВЛИ

СИЗНИКИ

БЎЛИШИ КЕРАК

Отамдан тегишли ҳовлий қолган. Мендан бошқа меросхўр йўқ. Ҳовлини қандай расмийлаштирасам бўлади?

**К. Насруллаев,
Когон тумани.**

Бунинг учун сиз нотариал идорага ариза билан муружаат қилиб, отанзининг вафот эттанлиги ҳақида маълумотномани тақдим этишингиз керак. Агарда марҳум ўлими олдидан ҳовлини бошқа кишига васият қилмаган бўлса, у ҳолда б ой ўтгандан сўнг, нотариал идора ягона меросхўр сифатида сизнинг номингизга расмийлаштириб беришга мажбур.

ПОРАХҮРЛИК УЧУН ЖАЗО

Айтинг-чи, агар мансабдор шахс пора олса, унга иисбатан қандай жазо чорашиби кўлланилади?

**А. Носиров,
Хоразми вилояти.**

Бу нарса амалдаги қонунларимизда кўзда тутилган. Яъни, мансабдор шахс ўз хизмат мавқенини суистельмоп қилиб, шахсан ўзи ёки воситачи орқали пора олиш билан шугулланса, Ўзбекистон жиноят кодексининг 210-моддасига асосан молмулки мусодара қилинишидан ташқари 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

ТАШВИШЛАНМАНГ, МАШИНАНГИЗНИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИШАДИ

Ўтган йили декабрь ойида бир фуқаро ўз автомашинанинг маънисини маънда ҳолда бошқарип, менга тегишли «Жигули»га катта шикаст етказди. Аммо таъмирлаб беришадан бўйин товлаяпти. Нима қилишим керак?

**М. Ҳабибуллаев,
Самарқанд шаҳри.**

Бунинг йўли осон. Авария содир бўлган вақтда ДАН ходимлари томонидан тузилган акт, ҳайдовчининг мастилигини тасдиқловчи экспертиза холосасини автомашинагизга етказилган моддий зарар ҳамда уни таъмирлаш учун кетадиган пул харажатлари ҳақидаги маълумотномага кўшиб, айборд яшаб турган туман судига даъво ариза топширасиз. Ўзбекистон фуқаролик кодексининг 985-моддасига асосланниб, суд сизнинг фойдангизга қарор чиқарип беришиди.


**З. Муҳаммаджонов,
хукуқшунос.**

ХУКУШУНОС
БУРЧАГИ



КЎНГИЛ УЧУН АЙТДИК-ДА!

Биз бироз хафа бўлдик. Нима бало, ҳоким амакиларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси газетаси «Халқ сўзи»ни ўқишимайдими?! Еки уларнинг шунчалик вақтлари йўқмикан? Майли, газетамиз айрим туманларга 3-4 кун, ҳатто ҳафталаб кеч берадигани сир эмас. Лекин ҳам қандай туман ҳокимининг столида кечик бўлса-да «Халқ сўзи»нинг янги сони туриши, табии деб ўйлаймиз. Ахир, юртимизда рўй берадиган ўзгаришлар, ислохотлар амалга ошуви ҳақида, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис қонунларидан бошабар бўлиш учун ҳам «Халқ сўзи»га кўз юргутишлари лозим-ку! Ҳоким газет ўқимаяти деб нега бунча аюҳаннос солаяпсиз, деган фикрга келаётгандирисиз...



Ҳа, энди бизнинг кўнглимиз бироз оғриди-да. Бу гапни кўнгил учун айтдик-қўйдик-да!

Агар чумчуқнинг кўзидай жойга фалон раҳбар писмадон ишни қилибди, бу нотўри, деб ёзсан -- дарҳол шу заҳоти ўша жойда номи тилга олинган «катта» қўнфироқ қиласди ёки чиройлигина расмий жавоб келади. Йўқ, биз бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи эдик... Яъни, шу йилнинг 11 апрелида газетамида «Ҳоким, «Нексия» минса нима қиласди? Яхши бўлади» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Ўқловдай ҳарфлар билан шу сарлавҳа биринчи бетда ҳам берилди. У ерда гапнинг лўндаси, ҳокимларимиз хизмат машинаси ГАЗ-31 дан кўра «Нексия»да юрсалар анчагина дуруст бўлиши айтилган эди. Айрим туманларимиз вилоят марказидан 200-250 чақирилган узбекда бўлгач, ҳоким амаки юрадиган ГАЗ-31га қанча литр ёнилги сарфланиши ҳақида гап борганди. Тўгриси, республикамиздаги ҳокимлар давлатнинг ҳамёнидан талонга бир кунда 15 тоннадан кўпроқ ёнилги сарфлаши айтилган. Агар хизмат машина «Нексия»га алмаштирилса ёнилгининг тенг ярми тежалиши, эҳ-хей, яна қанчалаб ГАЗ-31 да юрган ташкилот раҳбарлари бебаҳо бойлигимиз «қора олтин»ни тежаш учун, «ташаббус» қўшишлари фараз қилинган.

Мана ҳамма ёқ жимжит. На Сариосиё, на Дехқонбод, на Томди, на Бешариқ, на Кўшработ на бошқа туманлар ҳокимлари ҳеч бўлмаса, кўнгил учун бирор гап айтиб қўйишмади... Ваҳоланки, мазкур туманлар билан вилоят ҳокимияти оралиги оламжаҳон йўл. Ёнилгининг «шўрини қуритади». Очифи, ГАЗ-31да узоқ-узоқ йўлни узоқ-узоқ босиб ўтадиган раҳбарларимизнинг бир озгина аччиини чиқардиган гаплар ҳам берилган эди. Наҳотки, ҳеч бири газет ўқишимаган.

Мамлакатимизда «Нексия», «Дамас», «Тико» енгил машиналари ишлаб чиқарилапти. Бу бизнинг

ҲОКИМ БОБО! «НЕКСИЯ» МИНИШ ЁМОНИИ

(«Халқ сўзи» 11 апрель, жума, 1997 йил сонини ўқимаган ҳокимлар бу сафар ҳам газетага қарамаса бўлади...)

фаҳримиз. Ўз автоуловларимизда салобат билан юриш эса бироз фурурли, бироз шавқли, бироз мақтангулик, хуллас, ўзини таниётган элнинг қадри ҳам кўринади, бунда. Ё гапимизга қўшилмайсизми?

Биродар, унда айтинг, мен ГАЗ-31 да юравераман, «Нексия» тўғри келмайди, денг. Мухбир ука, сиз хато ёзибсиз денг. Унда фикрингизни исботлаб беринг.

Айтишларича, жаннат неъматларининг еттидан бир қисми ерга, ердаги одамларнинг ҳаёт кечиришлари учун Аллоҳ томонидан инъомъ этилган экан. Она ер инсонни ардоқлаб, ҳамма бойликларни унга ҳадя этиб келаяпти. Шу неъматлар билан тирикмиз, шу неъматлар билан ҳаётимиз завқли. Аммо ана шу юзлаб хил неъматлардан баҳраманд бўлиш учун ўзимиз меҳнат қилишимиз, ҳамма нарсани меҳнатимиз маҳсулси сифатида истеъмол қилишимиз керак бўлади. Доно ҳалқимиз «Меҳнатнинг нони ширин», деб бежиз айтмаган.

Пешона теримизнинг маҳсул бўлган турли хил мева, сабзавот, полиз маҳсулотларини тўрхалта кўтариб бозорлардан сотиб олган бошқа, полизу ишком оралаб, сара меваларни узиб олиб, истеъмол қилган бошқа. Лекин ана шундай сехрли манзаралар қаторида каттакатта томорқа ерларига мол ва парранда учун фақат маккажўхори экиб кўйиб, ўзлари иккича килограмм помидор ёки картошка учун автобус кутиб, туман марказига қатнаётган қишлоқ одамларини ҳам кўрсангиз таъбинигиз тирик бўлмайдими? Шўролар давридан колган бундай бокимандалик иллати айрим кишилар онгода ҳануз сакланаб қолган. Шу тоифа қишлоқларнинг хонадонларига кириб қолсангиз иқтисодий ахволи анча ночор эканлигини кўриб, афсуланасиз. Давлат бериб кўйган тайёр томорқа ерларидан унумлий Фойдаланиш сара ноз-неъматлар яратиб, ўз дастурхонини тўкин қилиш, ортиқ-часини шаҳар аҳолисига тортиқ этиб, қўшишча даромад олиш кийининг?

-- Йўқ, -- дейди Ўрта Чирчик туманидаги «Роватак» дәхқон ва фермерлар уюшмасида яшовчи Ҳамида Саидамирова. -- Лекин яхши яшаш учун яхши

Майли, телефонларимизни берамиз, қўнфироқ қилинг: 36-29-89. Олдин сиз тўғрисини айтинг, ҳозирча газетанинг ўша сонини ўқимагансиз-а? Йўқса, бир нигоҳ ташланг. Давр ҳар биримиздан ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш учун бозор иқтисоди шароитида ўз бойлигимизни тежаб-тергашни талаб қилаяпти.

Бизга бироз оғир ботди. Матбуотга эътиборсизлик қилиш, қўл силтаб қўяқолиш, билиб билмаганга олиш яхши эмас. Биз ҳали бирортаям туман ҳокимини «Нексия»да юрибди, у мамлакатимиз саноати ютуғидан ифтихор қиласди, деган гапни эшитмадик. Туманингизда «Нексия» да юриш учун шароит бўлмаса биз айбор эмасмиз-ку. Ҳоким Сиз, ахир.

Биз шундай қилиш керак деб ҳеч кимни мажбураётганимиз йўқ. Фақат муҳтарам «Катта», бироз фикрлаб кўринг, таклифда буям. Агар сиз «Нексия»да юрсангиз шу баҳонада йўлларингиз ҳам яхшиланиб қолади. ГАЗ-31 дан кўра «Нексия» анча енгил бошқарилади. Ёзда қизиб кетсангиз, мажлисдан терраб-пишиб чиқсангиз совут-

мехнат қилиш керак. Биз ҳар йили ноябрь ойининг охири, декабрнинг бошидаги ҳаракат бошлаймиз. Ерларни тайёрлаб, полизтилен плёнка билан ёпмиз. Тупроқ ҳорорати мўлжалга етага, ургу сепамиз. Парвариш қилишда ҳам эринмаймиз. Мана, бу йил 50 минг туп помидор етиштирияпмиз. Ортиқча кўчалтарни сотиб, тирикликка яратдик. Колган кўчалтарни ўз еримизга ўтказдик. Кеч кузгача бозорда кўчат сотамиз.

-- Сара кўчат ундириш учун ургу ҳам сара бўлиши керакда?

-- 25 йилдан бўён кўчат етиштириб келамиз. Ургу ишончи бўлмаса меҳнатга кўйиб қолиш хеч гап эмас. Шунинг учун ургуни ўзимиздан чиқарамиз. Кийин бўлса ҳам йўлини топганимиз.

Хеч кимга сир эмас, жамоа хўжалигига, ишонасига бокимандада бўлиб ўтирган одамнинг турмуши кўнгилдагидай бўлавермайди. Фақат ҳаракат, меҳнатигина рўшноликка олиб боради. Шу ўринда яна бир мисол келтирмоқчимиз.

-- Ўзим механизаторман, -- дейди шу қишлоқлиқ Йўлдош Турдиев. -- Қарамоғимда тўқиҳ жон бор. Меҳнат қилмасак бўлмайди. Бу йил 30 минг туп карам, 40 минг туп помидор кўчати етиштиридик. Ўзимизга керагидан ортиғини бозорга олиб чиқиб, сотдик. Кўриб турибисизлар, иккита участка олиб, ўғилларим учун ўй солишни бошладим. Ишласак, меҳнат қилсан, иккича үйлда ҳовли тўйи қиласмиз. Қишлоқда қиши фаслида дала-да иш бўлмайди. Қишини печка олдида мудраб ўтказишимиз ҳам мумкин. Лекин ишлаб турганимиз мана ўзимизга яхши бўлаяпти. Тириклик учун курашишимиз керакда.

Темур ҲАЙДАРОВ.

гичини бураб қўйинг яна ҳам кайфиятингиз кўтарилади, муздайгина. Очифи, ҳоким боболар, сиз ҳаммага ўнрак бўлишингиз, одамлар сиздан, андоза олишлари керак. Тўғри, дабдаба ва тўкин сочинлик яхши, бироқ ҳамма нарса ўрнида бўлса, янаям гўзал. Майли, бoshингизни оғритмоқчи эмасмиз.

Ҳокимлар! Ниятингиз юртимиз бойлигини асрараш бўлса, ватанпарварлигиниз дилда эрса, тонна-тонналашиб ёқилгани ту тунга айланишида бевосита иштирок этаётганингизни тан олсангиз, туманингиз ҳудудини «Нексия»да бир айланиб кўринг. Сўнгра, ҳайдовчидан сўранг... Қайсиси маъқул: ГАЗ-31 ми ёки «Нексия»ми? Кеча 600 чақирим юриб қанча бензин кетди... Бугун «Нексия» шу масофада қанча ёнилғи еди. У айтиб беради. Афсуски, сиз бир киши эмас. Шукур республикамизда туманлар кўп. Ҳокимлар ҳам. Агар ГАЗ-31 учун чўнтағингиздан пул сарфлаб ёнилғи сотиб олаётган бўлсангиз, бу бошқа гап. Жавобингизни кутиб:

Кўчкор НОРҚОБИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲНАТНИНГ НОНИ ҲАЛОЛ



26
апрель

ОЗИШ УЧУН ГИЁХЛИ КАПСУЛАЛАР.
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СҮРАНГ.

Фигуриз
Компингизни
мафтункор
этади.

СР / ауджантта фарма лимитид

БЮТИ ПЛЮС
Сизнинг
бардам ва
гўзалигини.

Харқуни
капсуласини
қабул қиласиз, сиз ўз
терингизни
мусоффо қиласиз,
гўзалик ва
майинлик бахш
этасиз.
Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

СР / ауджантта фарма лимитид

СТАМИНА
Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

Эркаклар бақувват
бўлиши керак

СР / ауджантта фарма лимитид

АПИФЕН

мушак оғриқларини
қолдирадиган ишончли,
самарали восита.

Кунига уч маҳал
1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.
СР / сурхон ауджантта фарма лимитид

**ЖУРНАЛИСЛАР
ДИҚҚАТИГА!**

30 апрель соат
10.00да «Ўзбекки-
но» давлат акцио-
нерлик компанияси
мажлислар залида
ХІІ - Тошкент
халқаро кинофес-
тивалига тайёр-
гарлик кўриш ва
ўтказиш юзасидан
матбуот конферен-
цияси бўлиб ўтади.

АПАЛЬГИН
АНАЛЬГИН -500 мг

анальгинлаштирувчи
ВОСИТА

Шаҳар
дорихонларидан
сўранг

СР / сурхон ауджантта фарма лимитид

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Республика телевидениесининг жа-
моаси иқтисодий-ижтимоий кўрсатувлар студиясининг катта муҳаррири Б.
Имомовига онаси

Мусаллам ХИДИРОВАниги
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тил ва адабиёт таъзими» ва «Преподавание языка и литературы»
журналлари таҳтирияти жамоаси шу журналлар бош муҳаррири Раъно
Толиповага ўели

Баҳодир ТОЛИПОВИниги
бевақт вафот эттанилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улубек номидаги Тошкент давлат университети ва журналистика
факультети жамоаси халқаро журналистика кафедраси мудири, фи-
лология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминовга отаси
Абдулла МУМИНОВИниги
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СР / ауджантта фарма лимитид

**ТРИДЦАТЬ
ПЛЮС**

**Бардам ва тетик
бўлишингиз учун**

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

СР / ауджантта фарма лимитид

АЛКОСУЛ

гепатитдан ва сурункали
ичкилиқбозлиқдан
жигар хасталанишидан
сақлайдиган восита

Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

СР / ауджантта фарма лимитид

РЕКЛАМА

ЎДОНЧАР

Ўзбекистон Республикаси "Фан ва тараққиёт" илмий-
технологик комплекси 1997 йилда докторантурага
композицион материаллар кимёси ва технологияси
иҳтисослиги бўйича 2 та ўринга ва аспирантурага
полимерлар физикаси, композицион материаллар
кимёси ва технологияси, юза кимёси, физикаси ва
технологияси ҳамда машинасозлиқда
материалшунослик иҳтисослари бўйича 4 та ўринга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ҳужжатлар 1 сентябргача
қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
700095, Студентлар шаҳарчаси,
Мирзо Фолиб кўчаси, 7А-уй,
"Фан ва тараққиёт" комплекси.

Телефонлар: 46-39-28, 46-53-35.

Ишбилармонлар дикқатига!

Республикада биринчи марта



Замонавий кичик-технология ва
қишлоқ хўжалиги учун ускуналар
СОТУВ КЎРГАЗМАСИ
AGRO TECH - 97

Илгор технологияларни ўз кўзингиз билан кўриб
танишишдек, ускуналарни танлашда тўғри хуроса
қилиш ва унга эга бўлиш шартномасини
расмийлашишдек бўлган камдан-кам имкониятни
қўлдан бой берманг

Кўргазманинг ишлаш вақти:

13 май	14.00-18.00
14, 15 май	10.00-18.00
16 май	10.00-16.00

Кўргазма манзил:

Тошкент ш., Амир Темур кўч., 107,
ЎЗЭКСПОМАРКАЗ, 4-павильони

Кўргазма хомийлари:

Ташқи иқтисодий алоқалар

вазорлиги, Ташқи иқтисодий
фаолият миллий банки

ЎЗИНВЕСТЛОЙИХА компанияси

Мурожаат учун телефонлар: 33-63-43, 68-53-24. Факс: 40-66-41

МАДАНИЯТ

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ -- КОНЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Қашқадарё вилояти давлат қўғирчоқ театри ижодий жамоаси бир ҳафта мобайнида «Муборакга» газ конлари бошқармасига қарашли «Кўкдўмалок», «Зеварда», «Денгизкўй», «Үртабулоқ» каби конлар иичи-хизматчилари учун турли хил мавзудаги спектакль ва концерт дастурларини намойши қилиди. Театр жамоасининг чиқишларини кончилар катта қизиқши билан томоша қилиши.

«ТАРИХ КЕЛАЖАКНИ ЯРАТАДИ»

Кўзни Шарқнинг гавҳари бўлмаси Бухоройи шариф ҳадемай ўзининг 2500 ёшини нишонлайди. Ушбу санага бағишлаб Когон шахидаги 3-маданият уйи услубшунослари «Тарих келажакни яратади» мавзуда адабий кечак ўтказиши. Унда шахардаги 5-ўрта мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрларган тарихий кўргазмалар, саҳна асарлари билан иштирок этдилар. Тадбир сўнгидо энг яхши деворий газеталар танлови ҳам бўлиб ўтди.

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Яқинда Қоракўл туманида шаҳар ва қишлоқ маданият ўйларининг ёш бодиши хаваскорлари ўртасида «Қўшиқлар байрами» кўрик-танловининг саралаш босқичи якунланди. Унда Янгибозор қишлоқ маданият ўйи ходимлари Бахридин Олтибоеев, Норкул Рўзиев, опасингил Гулшинин ва Зулайҳо Гадоевларнинг чиқишлари томошабинлар олқишиларига сазовор бўлди. Саралаш босқичи якунларига кўра Янгибозор ва Охунбобеев қишлоқ маданият ўйлари ёш хаваскорлари вилоят кўрик-танловида иштирок этиши имкониятига эга бўлди.

Ф. ЖУМАЕВА

САХОВАТ

Яқинда Жиззах туманинг ҳокимлиги ташаббуси билан туман маданият бўлами ҳамда Маданият ва маърифат жамоатчилик бўлами ҳамкорликда Шароф Рашидов номли ширкат ҳўжалигинда яшаетган бута кам таъминланган оиласлар фарзандларининг суннат тўйини ўтказди. Тўйда туман ҳожими Парда Шукуров, туман ҳаматаглими бўлами мудиби Бахтиёр Шарофов ва қишлоқ оқсоқоллари тўй болаларга қимматбаҳо соғналар ва банкда ҳисоб рақами очилган амонат дафтарчаларини топшириди. «Жиззах гулдастаси ашула ва рақс ҳақиқати ансамбли жамоаси эса жозибадор кўйишик, рақслари билан даврага файз киритишди.

М. КАРИМОВА

ХАБАРЛАРИ



ҚАДРИЯТ

«Ўзбеккино»да айни кунларда XII Тошкент ҳалқаро кинофестивалига тайёргарликлар қандай кечмокда? Компанияning фильмларни режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиги Фарход МУСАЖНОВ шу хусусда мухбиримизга кўйидагиларни гапириб берди.

-- Ўтаётган ҳар бир кун бизни ана шу ҳалқаро анжуманга яқинлаштирайти. Албатта, кўлами жиҳатидан улкан аҳамиятга эга бўлган ушбу нуфузли йигинга жуда пухта

Япония, Малайзия каби қатор мамлакатларда бўлиши.

-- Фестивалда МДҲ давлатлари кино ижодкорлари ҳам иштирок этишадими?

-- Ҳа, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон, Арманистон, Грузия, Туркманистон, Қозогистон, Тожикистон каби бир қанча ҳамдустлик давлатлари кино усталари ҳам ўзларининг янги фильмлари билан Тошкент кинофестивалига ташриф буюриши кўзда тутилган.

-- Хўш, анжуманда бизнинг кино усталаримиз яратган қайси фильмлар намойиш этилади?



эллик ҳамкасларимиз билан ўзаро тажриба алмашамиз. Бугун уларни қандай муаммолар ташвишлантираяпти? Улар қайси мавзуларни доzlарб ҳисоблайди -- шулардан воқиф бўламиз. Очиги, биз ҳам ўзимизни дунё киносининг кўзгусида кўрамиз.

Шунингдек, ҳамкорликда фильмлар яратиш юзасидан келишиб олишимиз мумкин. Буюк Соҳибқирон Амир Темур юбилейи муносабати билан мамлакатимизда 12 та ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар яратилган эди. Хорижий ҳамкасларимизнинг ана шу кино асарлари ҳақидаги фикрлари ҳам бизни қизиқтиради. Улар билан биргаликда буюк аллома Имом ал-Бухорий ҳасти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильмлар ишлаш ниятимиз бор. Бу гапни бежиз айтиётганим йўқ. Чунки мустақилликка эришганимиздан сўнг, чет элларда биз билан ҳамкорлик қилишни ҳоҳловчилар анча кўпайди.

-- Қайси фильмлар эканлигини билсан бўладими?

-- Келинг... Бу нарса сир бўла қолсин.

-- Сизнингча, фестиваль миллий ўзбек киноси учун нима беради?

-- Ҳозир мустақиллик шарофати илиа мамлакатимизда барча соҳаларда дунёвий алоқалар кенгайиб бораётган. Унинг самарасини эса ҳаётда кўриб турибиз. Шундай экан, кино санъаткорларимиз ҳам ушбу жараёндан четда турмасликлари керак. Негаки, кино ўзининг туб моҳияти билан дунёвий санъат саналади. Биз кинофестиваль давомида чет

ҳозир ҳатто Россия телевидениеси у ёқда турсин, ўзТВ-да енгил савида тайёрланадиган алмойи-жалмойи кўрсатувлар, шармизиз кинолар ҳам сабаб бўлаётган. Гапнинг индалоси, ота-оналар фарзандлари қошида, болалар катталар олдида кўриб бўлмайдиган бундай ҳаёсиз фильмларнинг нима мақсадда берилёттанини ҳам тушунмайсиз. Фарб бошқа, Шарқ бошқа... Ҳар жойнинг тошу тарозиси бор. Миллат шаъни ҳақида қайгуриш ўрнига ҳалқимизга ёт ишларни очиқ-ойдин кўз-кўз қилишнинг оқибати ёмон бўлади. Мен истардимки, яна ўша ибо, шарм-эътиқод пардаси кўтарили масин. Ўзлигимизга дарз кетмасин. Шарқнинг

КИЗЛАР ГУРУНГИ

ҲАЁ ПАРДАСИ КЎТАРИЛМАСИН

Биз Шарқ одоби, ўзбекона муомала ҳақида жуда кўп гапирамиз. Ҳар нарса парда ортида, меъёрида бўлиши, айниқса, ёшлар тарбияси азалий удумларимиз, маънавиятимиз асосида олиб борилгани яхши. Очигини айтганда, миллатимиз қарашларига ёт одатлар ўсиб келаётган авлод руҳиятини чалғитади. Ўзликка дарз кетади. Табиийки, ҳар қайси миллат вакили бир қарашда ўзини тутиши, қолверса, юриш-туриши, кийиниш одоби билан ажralиб туради.

Шу ерда тўхтант. Сизга савол... Бугунги айрим ёшларимизга (ҳатто катталарга ҳам) нигоҳ солиб, чиндан ўзбек фарзанди эканлигини англай оласизми? Нима демоқчи эканлигимизни тушунгандирсиз. Очиги, бу гапни ёзиш ғалати, шунчаки бир оддий фикр бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ бунинг замирида бизнинг кўнгил кўзимиз кўрмаган, шууримиз англамаган оғриқ, ётиди. Хуллас, мен шундай ўйга, қарорга келдим. Тўғри, одамнинг ташқи томонига қараб ички маданиятига баҳо бериш қийин. Аммо айрим ҳолатларни кўриб ёқа ушмайсиз, фикрингиздан қайтасиз -- йўқ, бу таҳлит тенгкурларимиз ва ёшларимизнинг ботинида

ляптими? Менинча, жуда кўп жойларда бу ишга эътибор берилмаяпти. Ота-она ҳаёт остонасидан ҳатлаёттан фарзанди келажаги, унинг кейинги турмуши учун қайгуриши керак-ку? Бунинг учун, менинг назаримда, оила -- тарбия зил кетасиз. Айтаверайми... Ҳатто мактаб ўқувчилари тиззадан юкорида калта юбка, яrim очиқ белкўйлак кийиб юрсалар, яна ўз қади-қоматини атайлаб бошқаларга кўз-кўзлаётган бўлса, пойтхатнинг барча гавжум жойларида тунни тонгга улаб кўнгилочарлик қисалар, ўзларини ўзбек қизларни учун нақадар аянчли ҳол саналган чекиши-ичиш балосидан-да тиёлмасалар бунга нима дейишга ҳам уялади. Бу хол-



нинг сабаблари яна тарбияга, эътиқодсизлик, енгил-елпилликка берилишига, маънавий савиямиз саёзлигига бориб жиддий сұбдатлар олиб бори-

улуглиги унинг сирилиги ва одобида деб ўйлайман!

Насиба НОРМЕТОВА,
ўқитувчи.

ХАТ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

Андижон-Наманган катта йўли кенгайиши муносабати билан бу ҳовлиниң бир кисми бузиб ташланганига роппа-роса 24 йил бўлди. «Сизларни ноумид қўймаймиз, товон пули тўлаймиз», деб ваъдалар қилинганида Мамажон айни кучга тўлган, отаси эса қадди тик, меҳнат қилиб толикмайдиган ёшда эди. Мамадали ота ўзига тегишли пулни ололмай дунёдан кўз юмди. Ҳақ-хукуки ваъдабозлар, лоқайдлар, бюрократлар томонидан поймол этилган Мамажон бўлса иккичи гурӯҳ ногирони бўлиб қолди. Қоп-кора сочла-рига қиров кўнди.

СОҚОЛИГА ОҚ ТУШГАН
МОЖАРО

Товон пулни ундириш учун ташкилотма-ташкилот қатнайвериб ҳолдан тойган, асаблари қақшаган Мамажон Мамадалиев яна раис хузурига бош уриб кирди.

-- Сиз янгисиз. 1973 или 47 ҳўжаликнинг ҳовли-жойи бузилиб, йўл кенгайтирилган эди. Қўшниларим бузилган жойлари учун товон пули олиши. Раҳматли отам билан мен...

-- Ҳужжатларни тайёрланг, -- чўрт кесди раис.

-- Ҳамма қофозлар бор, -- кўнглида умид учкунлади Мамажоннинг.

-- БТИники борми? Бизга ўша ташкилотники керак.

Мамажон қайдасан Шаҳрихон деганича, олис кўшни туманга йўл олди. 13 кун деганида туманларро техник инвентарлаш буюроси берган маълумотномани олиб келди. Ҳўжалик раиси О. Охунов орадан йигирма кун ўтказиб, ушбу масалага аниқлик сўраб, туман дехқончилик саноат ўюшмаси раиси О. Турсуновга ҳат жойлади. Мазкур ташкилот мутахассислари бу сафар масалага жиддий қарадилар. Улар 1973 йилги нарх бўйича Мамажонга 5267 сўм, отасига ҳам шунчака миқдорда пул тегишли

эканлигини, ҳозирга келиб ана шу пулнинг миқдори 272747 сўмга тўғри келишилгини ҳужжатлар асосида кўрсатиб бердилар.

-- Бўлмайди, муддати эскириб ўз кучини йўқотган, -- «хўкм» чиқарди раис.

Раиснинг амри вожиб бўлди. Мамажоннинг ўз ҳақини «ўзбекчасига» илтинос қилиши, ўнлаб ташкилотларнинг ҳафталаб ўтказган текшириш якупнари ҳолосалари, маҳалла аҳлиниң гувоҳликлари тахлам-тахлам қофозлар ўюми қатларидан ўрин олди.

Жаноб раис кўпчилик фикри билан ҳисоблашишни ўзига эп кўрмади. Ўжарлик, кибриҳаво ҳақиқатдан юқори кўйилди. Иш судга кўчди. Раис бу сафар ҳам ўз билганидан қолмади. Судга қўйидаги расмий хатни юборди:

«Улуғбек» номли жамоа ҳўжалиги бошқаруви жамоа ҳўжалиги ўрамида яшовчи фуқаро Мамажон Мамадалиевнинг даъво хатига асосан туман ароҳизмат ўюшмаси мутахассисларининг тузган далолатномасини Гражданлик Кодексининг даъво муддати тўғрисидаги бандига асосан муддати ўтганлиги муносабати билан тасдиқлаш имконига эга эмас.

Бошқарув раиси
О. ОХУНОВ.

Суд эса ўзининг ҳолосасини айтди: «аризачининг табби қаноатлантирилсин. Даъво муддати узрли деб тоғилсин».

-- Хайрият, -- елкасидан тоғ қулагандек бўлди Мамажоннинг. -- Ниҳоят пулни оладиган бўлдим.

-- Ҳақиқат қарор топгани яхши бўлиди, -- дедик ҳўжалик раиси Орифжон Оху-

новга. -- Эҳтимол у бу пулга ўй-жой қуар ёки тўй қилиб элга ош берар.

Раис кулимирали. Сўнг деди:

-- Аризачи яна судга мурожаат қилиши керак. Суд пулни тўланглар деса, бу бошқа гап.

Ноҳақликларнинг залворли юқидан эзилган, тик қадди букилиб қолган, бош урмаган маҳкамаси қолмаган Мамажоннинг олдида яна бир янги тўсиқ пайдо бўлди. Раиснинг талабига кўра у яна судга мурожаат қилиши керак. У ергагилар масалани қанча муддатда кўриб чиқишидай.

Мамажоннинг кўллари қалтираб, кўзларига мунг чўкли. Титроқ овоз билан деди:

-- Отам-ку ундиrolмаганди бу пулни. Ишқилиб мен... Худо сақласин...

Одилжон
ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОЙИЛ!
«ТЕМУРМАЛИК»...
МЎҚКИЛАРИ

Шўрчи туманидаги «Темурмалик» кичик корхонаси жамоаси, асосан, мол терисини ошлайди, сўнгра ундан ҷарм тайёрлаб, кундаклик эҳтиёж учун зарур бўлган ҳар хил буюмлар тикади. Корхона бултур иккиси миллион сўм даромад қилган эди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич янада ортиши кутилмоқда.

Корхона раҳбари Амир Кулматов иккиси йил аввал тумандаги ҷармгарларни бир жойга тўплаб: «Шундай-шундай, терини мен топман, ишни сизлар қиласизлар. Маҳсулотни ҳам ўзим сотаман, шартнома

асосида эса сизлар пулни мендан санаб олаверасизлар», -- деган эди. Шундан кейин иш юришиб кетди. Бугунги кунда ҷармгарлар буюртма асосида от абзаллари ва дон комбайнлари учун тасмалар ҳам тикишмоқда. Муҳими -- «Темурмалик» мўқкиларининг харидорлари кун сайн кўпайиб бораётir.

Тоқиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ
сўзи



26
апрель

ҲАМКОРЛИК

МИНГДАН
МИЛЛИОНГАЧА

Ўтган йили Косонсойдаги ўй меҳнати фабрикаси билан Туркияниң ИТАКО фирмаси ҳамкорлигидаги КАСМИР -- ДИРЕ қўшма корхонаси ишга туширилганда шаҳарликлар бу янгиликдан ниҳоятда хурсанд бўлганди. Сабаби, ана шу самарали ҳамкорлик туфайли 2,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидага чет эл инвестицияси кириб келган, 80 дан зиёд одам иш билан таъминланганди. Бугун қўшма корхона иилига 300 минг дона терини қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда тайёрланадиган 25 турдан зиёд маҳсулотнинг деярли 80 физи чет злга экспорт килинмоқда. Ўртacha йиллик да-

ромад эса 5 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Яқинда эса яна битта қўшма корхона қурилиши бошлаб юборилди. Уни шаҳардаги шойи тўқиши фабрикаси билан Туркияниң ТИФАШ фирмаси ҳамкорликда бунёд этмоқда. Бош пурдатчи Туркияниң ATT фирмасидир. Қурилишнинг монтаж ишларини эса Косонсойдаги 147-механизацияланган кўчма колонна олиб бормоқда. Корхона ишга туширилгач, иилига 100 минг АҚШ доллари атрофида даромад олиш кўзда тутиляяпти.

Ҳ. ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

ИҚТИСОДИЙ
ҮҚУВҲИСОБ-КИТОБ
САБОҒИ

Қишлоқ ҳўжалик идораларида хизмат қилаётган бош мутахассисларнинг ижтимоий-иқтиносидай, ҳукуқий билим савияларини давр талаблари даражасида ошириш мақсадида Дўстлик тумани ҳокимлигидаги қисқа муддатли ўкув машгулатлари ўтказилмоқда. Дастьлабки ўн кунликда ҳосилотлар, ҳисобчиликлар, иқтисадчилар қатишадилар.

Прокуратура, солиқ, молия, банк, сугурта муассасаларининг масъул ходимлари бозор муносабатлари шароитида бугун долзарб бўлиб турган шартномаларнинг бажарилиши, дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш йўллари, ҳисоболларни ихчамлаштириш, пенсия-нафақа тўловларини такомиллаштириш, сарф-харажат, сугурта масалаларида мутахассисларга амалий иш юритиш йўлларини ўргатдилар.

Н. ҲАЙИТБОЕВ.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ЭСКИРСА АЛМАШТИРИЛАДИ

Қоғоз пуллар кўни мумалала бўлавериб эскиради, айrim ҳолларда тасодифан йирилиб кетади. Уларни қандай ва қаерда алмаштириш мумкин?

З. Усмонов, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Эмиссия-касса операциялари департamenti ходимларининг бизга берган маълумотларига кўра, мамлакатимиз ҳудудида, жумладан, Тошкент шаҳрида барча Марказий ва тижорат банк бўлимларига зарарланган (оловда куйган, йирилилган, кимёвий моддалар тўкилган ва ҳ.к.) пул бирликларини қабул қилиш, уларни мумалала яроқли бўлган пул бирликларига алмаштириш қоидлари тўғрисида тегишли йўриқномалар берилган.

Фуқаролар ўzlари яшаб турган туманларда фаолият

кўрсатиб келаётган банк бўлимларига эскирган, йирилилган ёки оловда куйган пулларни алмаштириб бериш учун мурожаат қилишлари мумкин. Агарда банк ходими пул билетларини тўловга яроқлилик ҳолатини аниқлашда қўйналтудек бўлса, уларни экспертиза қилириш учун Марказий банкинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказига юбориши керак.

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Ўзбекистон Муаллифлик хукуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги, Америка Қўшина Штатларининг Ўзбекистондаги ЕВРО-ОСИЁ жамғармаси Республика банклар асоцацияси қоиддаги «Банкинформрейтинг» компанияси ҳамкорликда Тошкент давлат юридик институтида муаллифлик



хукуки масалалари ва уни ҳимоя қилиш мавзусида ўкув семинари бошланди. Семинарга жаҳон иқтиносиде ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик факультети, Тошкент давлат юридик институти ўқитувчи, аспирант, талабалари ҳамда амалиётда ишлаётган ёш хукуқшунос мутахассислар та-

лиф қилинган. Тўрт кунлик семинарда тингловчилар республика музалифлик хукуки қонунчилиги, уни таъминлаш йўллари, муаллифлар хукуқларини ҳимоя қилишда хукуқшуносларнинг роли ва вазифалари, халқаро муаллифлик хукуқида давлатимизнинг тутган ўрни ва бошқа масалаларга оид мавзуларда қизиқарли, илмий, амалий мәрузалар тинглайдилар.

О. БЕКМУРОДОВА.

26
апрельМИЛЛИОНЛАР
СЕВГАН ЎЙИН

Ҳа, дунё аҳли эътиборини кенг миқёсда ўзига жалб этиш борасида футбол бўйича жаҳон чемпионати каби ҳеч бир спорт мусобақаси ёки воқеа Ер юзида йўқ. Буни Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатини ёритиш учун шу кунгача турли мамлакатларнинг 100 га яқин телекомпанияси, 150 та радиостанцияси, турли газета ва журнallарнинг 10 минг нафардан ортиқ журналистлари томонидан рўйхатдан ўтказишига буюртма берилганлигидан ҳам билса бўлади. Улар учун Францияда 750 та меҳмонхона ҳозирлаб қўйилмоқда. Дастрлабки ҳисоб-китобларга қараганда, телетомошибинлар аудиторияси 4 миллиард (!) кишини ташкил этади. Бундай катта аудитория саҳнасига чиқишнинг ўзи ҳар бир мамлакат учун олий шараф. Бу, айниқса, дунё миқёсига чиқишга уринаётган ёш мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон учун фоят муҳимдир. Кўксиди миллий гурури, Ватанга муҳаббати бутун ва қалби юрт қайғуси билан ёнаётган ҳар бир ҳамюртимиз хоҳ у футболга муҳлис бўлсин, бўлмасин, Ўзбекистон миллий терма жамоасини ана шу катта аудитория саҳнасида қўришни жудажуда истайди. Бутун миллионлаб юртдошларимиз яна саноқли кунлардан сўнг биринчи марта жаҳон чемпионатининг саралаш баҳсларига киришадиган миллий терма жамоамизнинг Францияга элтар йўлга чиқишига илҳақ кўз тикиб туриди. Бу чирайли сўзлар эмас, бор гап. Ахир қайси бир инсон ўз юрти, Ватанининг иқболи баланд бўлишини истамайди дейсиз. Ашаддий футбол муҳлисларимиз миллий терма жамоага жалб этилган ҳар бир футболчининг имкониятларини минг чигириқдан ўтказмоқда. Уларнинг дилига бутун икки сўз сифмайди, бир сўз эса кам. Қалбига таскин берувчи маълумотларни матбуот нашрларини титкилаб қидиради, ҳар бир кичик хабар ҳам унинг назаридан четда қолмайди ва барибир қониқмайди. Илонги бўлса-ю, ўзи майдонга чиқиб тўп тепса ва «Мана сенга Франция» дейа футболчиларга йўлланмани нақд қилиб берив, «Энди нима қитсаларингиз ҳам ўзларини

Шу кунларда Францияда футбол бўйича XVI жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ишлари авж паллага кўтарилиди. Сўнги маълумотларга кўра келаси йили ушбу мамлакатга 2,5 миллион муҳлис ташриф буориши кутилмоқда. Бу ўтган йили Олимпиада ўйинларини кузатиш учун Атлантага йигилган спорт ихлосмандларига нисбатан кариб 990 минг нафар кўпдир.



ҳисобидан устун келди ва очколар бўйича индонезияликларга тенглашиб олди. Эртага гуруҳда тўртинчи учрашув ўтказилади, яъни Камбоджа ва Индонезия терма жамоалари ўзаро куч синашади. 9 май куни сафарда Яман терма жамоасига қарши майдонга ту-

сарапаш босқичларда ёқ баҳслардан чиқиб кетган. 1956 йилдан бўён қитъя биринчиликларида қатнашаётган Камбоджа терма жамоаси ҳам доим кучлилар соясида қолиб келган. Фақат 1972 йилги қитъя чемпионатида Камбоджа учинчи ўрин учун баҳсда пенальти

мамлакатлари сирасига киради. Индонезия чемпионатининг олий лигасида 18 та жамоа қатнашиди. Индонезия қитъя чемпионатларида 1968 йилдан бўён қатнашиб, фақат ўтган йили финал босқичига йўлланма олди. Умуман олганда Индонезия жиддий рақибидир. Ўзбекистон ва Индонезия терма жамоалари ҳали бирор марта бир-бира қарши майдонга чиқмаган. Улар ўтрасидаги биринчи учрашув 1 июнь куни Жакартада бўлади. Жавоб учрашуви эса 20 июня Тошкентда ўтказилади. Шунингдек, терма жамоамиз 25 майда Камбоджани, 13 июля Яманни қабул қилади. Камбоджа билан жавоб учрашувини вакилларимиз 29 июнь куни ўтказади.

Мутахассислар иккинчи босқичга Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Япония, Хитой, Корея, Ироқ, Кувайт ва Катар терма жамоалари чиқишини башорат қилишган эди ва айни кунда Саудия Арабистони, Катар жамоалари бу вазифани деярли уdda lab кўйишиди.

Иккинчи босқичга йўлланма олган ўнта гуруҳ голиблари икки гуруҳга бўлиниб, дастрлабки икки ўрин учун баҳс олиб боришади. Шундан сўнг тўрт жамоадан учтаси ўзаро учрашувлардан сўнг Францияга йўлланма олади, омадсиз тўртинчи жамоа эса Океания миңтақаси голиби билан учрашувда баҳтини қидиради.

**Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

ФРАНЦИЯГА КИМ БОРАДИ?

гиз биласизлар, бизга шунинг ўзи старли» дейа қалбига тинчлик бермаётган хавотирлардан елкасидан тоғ ағдаришган каби мустасно бўлса. Биз бу сатрларни бежизга газетага олиб чиқмаяпмиз. Миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш баҳсларига киришиш кунлари яқинлашган сайин кўплаб муҳлислар, юртпарварлар таҳририятимизга мурожаат қилишиб, «Бизнинг дил сўзларимизни футбольчиларимизга, уларнинг мураббийларига, мутасадди раҳбарларга айнан шу тарзда етказинг, шоядки эҳтиросларимиз уларнинг зиммасидаги масъулиятни янада оширишга хизмат қилса» дейа илтимос қилишмоқда.

